

# Анвар Обиджон чойхонамиз меҳмони

**Бугунги ҳажвчилигимизни устоз Саид Аҳмадсиз тасаввур этиб бўлмайди, деймиз. Бу тўғри гап. Аммо кейинги пайтларда қўшимча тариқасида «Бугунги ҳажвчилигимизни Саид Аҳмад домланинг суюкли шогирдларидан бири Анвар Обиджонсиз тасаввур этиб бўлмайди» ҳам дейишмоқда. Бу ҳам тўғри гап. Олтиариқнинг садоқатли фарзандлари орасида, адабиётга бирга кириб келган тенг-тўшлари даврасида ўзига хос бўй кўрсатиб келаётган бу йигит ҳажв оламидаги жамики устозларнинг тажрибаю анъаналарига ҳурмат бажо келтирган ҳолда болалар адабиётини янги йўналишлар, янги қирралар, жанр имкониятлари билан бойитди, десак муболаға бўлмас. У бизни болалик тилимизга яқинлаштирди.**

**Анваржон ҳаётда меъёр даражасида босиқ, соф олтиариқликларга хос мулоҳазали, гапи ушовли, жаҳли тушовли, беҳуда томоқ қирмайдиган, шу чоққача бирон жойда бурнини хиёл бўлса-да кўтармаган йигитлардан. Аммо қаҳрамонлари — шаддод, чайир, топқиру чопқир, қувликда устаси паранг, шумликда шайтонни лол қолдирадиган писмиқ, девнинг додасига дуч келиб қолса ҳам киприги қимирламайдиган довюрак, гапидан қайтмас чўрткесар болалар. Биз катталар бозор иқтисодига, тадбиркорлигу уддабуронликка, мана энди кириб келяпмиз. Анвар Обиджоннинг қаҳрамонлари бу ишни аллақачон ҳал қилиб бўлишган.**

## Зиёлича олишув

Ҳашарот учса, қаноти букчиб йиқиладиган ғира-шира тонг эди. Жиғилдонига мих тиқилган қуйдек увотда «хир-хир»лаб типирчилаётган Парриқ-минғи чўчиб уйғонди-ю, ёнгинасида ёнбошлаб ётган Мамашотининг бақраймa кўзидан баттар шайтонлаб: «Абва-а!» деб чинқирганича, найзага чап берган шовваз мисол четта сапчиди.

— Ие, ҳа? Тушингда болалар минан «қўрвоши — савет» ўйнаб, қориндан ўқ едингми?

— Уф-ф... Уф-е! — Парриқ-минғи сал ўзига келиб, шеригига диққат билан тикилди. — Жуда-а репўмиса-реп туш кўрдимку, ошна.

Худди қутосга ўхшаб кетадиган темир дувол орқамдан қувиб юриб, устимга ағдарилди.

Мамашотининг кўзлари янада олайиб, ҳозиргина чеккан носини сочмалатиб тупурди:

— Ие, вей, уйингда биронта касал-пасал йўқмиди?

— Йў-ў...

— Бугундан қолдирмай Қурмон ромчига бор, — қатъий тайинлади Мамашоти. — Китоб кўриб, таъбирини айтиб беради. Таъбир ишкал чиқса, яна андак қистир, қайтарма дуо ўқиб, келадиган балони дап қилворади.

Парриқ-минғи мазахлаган сиёқда қўл силтади:

— Қурмонинг ғирт қаллоб-ку. Одам қуриб кетгандек, ўшанингга мурид бўламанми?

Мамашоти бир нарсани мақтадими, шуни бошқагаям маъқуллатмагунча қирқ кун оч-яланғоч олишадиган қайсарлардан эди. Ғўзалар кўсак туга бошлаган охирги беш гектарлик ерни пешингача суғориб бўлишгач, Парриқ-минғининг: «Овора бўлма, у кашмирига барибир ишонмайман», деб йўл-йўлакай тинимсиз тихирланишига парво қилмай, ромчиникига судраб борди. Шериги кўрган туш ҳақида ўзи гапириб бериб, «таъбирини айтворинг, тақсир», деб ромчининг киптига ғижим пул қистирди. Парриқ-минғи астагина «бе-е», дея четта бош бурганини назардан қочирмаган ромчи бир мўйлов чимириб қўйиб, китоб варақлашга тутинди. Дастлабки саҳифалардан биридаёқ тўхтаб, мутолаага берилди, борган сайин қовоғи осилаверди. Кейин шифтга термилиб узоқ мулоҳазаланиб тургач, «ишлар ҳийла чигал-ку, мулла Мамашоти» деб димоғланди.

— Гап шу, ука, — энди Парриқ-минғига юзланиб, кескин, бироқ салобатли маромда сўзлади у. — Сени... «МАЗ» мошинаси босиб кетади.

Аввалига Парриқ-минғининг ранги қув ўчди, сўнг ўзини тезда ўнглаб, сурбетлик билан сўради:

— Билсак бўладими, тақсир? Олдингиздаги китоб қачон ёзилганикин?

Бояги «бе-е» деган сўздан кейиноқ ўзаро ҳурматсизлик йўлига батамом ўтиб улгурган сиртқи рақибларининг ички ўчакишуви айни шу лаҳзадан эътиборан очиқ тус олабошлади.

— Балки, минг йил олдин ёзилгандир, — масхараомуз қош керди ромчи. — Балки, унданам кўпроқдир. Ҳарҳолда, тўнғич ачангдан қарироқ бўлиши керак.

Парриқ-минғи тосрайиб кулди.

— Эшитдингми, Мамашоти? Минг йил олдинги китобга «МАЗ» мошинасини ёзиб қўйишибди-ку. Шундан кейинам ўзимни гулликка солиб тураверайми?

Қурмон ромчи ҳам ўз навбатида Мамашотига қараб туриб, учинчи шахсга кесатди:

— Баъзи отбашараларга ўзлари тушунтирадилар-да энди, мулла Мамашоти. Биздаги китобларда аниқ, бор нарсаниям шаъма билан ёзишади. Йўқ нарсани бор деб уқтирадиган китоб Хуруччўпга ўхшаган домлалардан топилади. Мана, биздагисини кўрсак: «Рамзига таяниб, асосини қидиргил. Рамзидан эмас, асосидан қўрқ», дейилибди. Қўтос бу рамз. Зиғирттак фаросати бўлган одам бундай рамз дунё бўйича биттагина «МАЗ» мошинасида борлигини дарров топиб олади. Миясини ажриқ босганларга буни қандай уқтирса бўларкин?

— Оламдаги ўнта одамдан тўққизтаси аросат, тақсир, — «эрмак-эрмак»ни давом эттирди Мамашоти. — Бунақалар, қачонки бўйнига кўсов тушади, шунда кўсов қаттиқ бўлишига ишонади. Кўп куюнмасдан, ишингизни қилаверинг.

— Бу гап бизга маъқул, — деди ромчи ва сезилар-сезилмас тиш ғижирлатиб, Парриқ-минғига хотиржам кўз қадади. — Хуллас, «МАЗ» мошинаси чалпагингни чиқариб кетади. Жон сеники, чорасини ўзинг ахтар. Борлигинг йўқлигинг менга бир пул, укам.

Парриқ-минғи ўзини дадил тутишга интилиб, митриғи мит этмай сўради:

— Қачон эзишини билиб қўйсакмикин...

Қурмон ромчи ҳам ўша безлигида туриб олди:

— Балки, ярим йўлда орқангдан етволар... Балки, сени эзадиган ғилдирак Белоруссиядаги завўднинг омборига ҳали келиб тушмагандир...

Э, тўхта-чи. Қаердадир эшитувди-я, кимдир айтганиди-я: «Зиёлича ғиди-бидию киборларча ўчакишувни худо ҳеч бир банданинг бошига солмасин», деб. Ўшандақа тоифалар қаттиқ ўчакишиб қолгандаям меҳрибон оға-инилардек бир-бирига елка ишқаб илжайганича, соатлаб бемалол ғиди-бидилашиб ўтираверишаркан. Ваҳоланки, бу мушкулотни уч-тўрт та бадбўй сукинишу бир-икки жуфт телватарсаки билан осонгина ҳал қилиш мумкинлигини энг аҳмоқ чапани ҳам болаликдан яхши билади. Ана шу кирчимолгина тадбирнинг бундай қийноқли усулини қайси ит эмган ўйлаб топганикин? Майли, бир бошланди - бошланди, зиёличасиниям кўрайлик-чи. Бир кибор бўлсак бўпмизда.

— Ҳа, хўп, ғилдиракнинг тагида қоладиганлар рўйхатида туратурайлик, — киборларча ғўдайиб, зиёлиларча сиполанди Парриқ-минғи. — Аммо-лекин, балодан ҳазар деб, бугундан бошлаб уйдан чиқмай ётволсак-чи?

— Рўзғорга келадиган ортиқча чиқимдан қочмасалар, бемалол ётаверсинлар, — одатдагидан кўра силлиқроқ тарзда жавоб қилди ромчи. — Унда, «МАЗ»нинг бошқаруви издан чиқиб, уйингни бузиб киришга мажбур бўлади.

— Яна битта савол бор. «МАЗ» мошинаси фақат қуруқликда юради шекилли?

— Авлиё экансан!

— Масалан, айтайлик, Қора денгизнинг тагига японларга уй қурдириб, индамасдан балиқхўрлик қилиб ўтираверсам-чи?

— Нима қипти? Қибриз ё Табризга кетаётган биронта кема довулга йўлиқади. Унга юкланган «МАЗ»лардан биттаси денгизга ағдарилади-ю, тўппа-тўғри сувнинг тагидаги иншоотнинг томига тушади, бирйўла ичидаги махлуқниям гумдон қилади.

— Ана энди бошқа томондан суйканамиз. Ўзлари тилга олиб ўтган махлуқ ер йўлдошида фазога чиқволиб, ўлгунча учиб юраверса-чи?

— Афсуски, узоқ учолмайди. Ўша туғма пандавақининг йўлдоши белгиланган кунга бориб, белгиланган муддатда портлаб кетади. Парчалари белгиланган жойга келиб тушади. Парчадан сочилган ҳаром кулни белгиланган «МАЗ» мошинаси шаппа тепалаб ўтади.

— Бундан чиқди, қочишдан фойда йўқ, оқибати аниқ. Шунақа экан, қандайдир бир хашаки кимса жонимни сақлаб қолишидан умидвор бўлишим ғирт тўнгаклик экан-да?

Парриқ-минғи фирибгар ромчингни охири жигидан ушладим-ку, дегандек Мамашотига мамнун сузилди. Қурмон ромчининг эса авазойи зарра ўзгармади. У киборликда ҳануз собит турар, лекин айрим иборалари тобора шалоқлашиб бораётгани ҳали етарли даражада зиёли бўлолмаганидан яққол далолат берарди.

— Мен ҳеч қайси сассиқ қўнғизнинг жонини сақлаб қололмайман, — сокин киноя қилди у. — Аммо ҳар хил гўрсўхталарнинг жонини эгамдан тилаб олиш қўлимдан келади.

Шу ерда биринчи марта Паррик-минғининг тили ғўлдираб, вақтида қаршилик кўрсатолмай қолди. Зиёлича олишув давомида гоҳ у оғизга, гоҳ бу оғизга жавдираб, юраги хитланиб кетган Мамашоти ниҳоят енгил нафас олди. «Энди етиб бордими? Масала талашишни сенга ким қўювди, мантиқозон», деб шеригининг елкасига туртди. Бу гапдан Парриқ-минғи баттар алангаланди, «э, бунингни...» деб қўлини шоп қилди-ю, зиёлича усул яна эсига тушиб, тилини тишлади. Киборликни бой бермасликка жон-жаҳди билан чираниб, гердайган қуйи эшик томонга юрди. Барибир чидолмади, бошқача тоифа бўлишга ортиқ қурби етмади. Остонада тўхтаб, ромчига чақчайиб ўгрилди:

— Эшитвол, хачиркалла! Сендақа энағарга ишонадиган аҳмоқ йўқ! Мард бўлсанг, тек қўйиб бер. Қани, ўзингга ўхшаган ўша ҳезалак «МАЗ»инг мени қанақасига мажақлаб ўтаркин. Кўрамиз-да!

Мамашотининг капалаги учиб, шоша-пиша орага суқулди:

— Бу тузи пастдан хафа бўлманг, тақсир. Бола-бақраларини ўйламасдан гапириб қўйди бу.

— Учраган эшакча билан тепишаверсам, товонга ҳафтада икки марта тақа қоқтиришим керак бўлади, мулла Мамашоти, — дея ҳамон ўта босиқ товушда сўйлади Қурмон ромчи ва кўзидаги сохта самимийликни имкон қадар сўндирмасдан рақибига тикилди. — Менга қара, палид. Хоҳлайсанми, хоҳламайсанми; ҳақини тўлайсанми, тўламайсанми, буни менга қизиғи йўқ. Бошига кулфат келаётган ҳар қандай жониворнинг ҳаққига қайтарма дуо ўқиб, ҳаётини тангридан тилаб олиш касбимни биринчи вазифаси. Ўз оёғинг билан олдимга мўлтираб келган экансан, барибир бурчимни бажараман. Токи мен тирик эканман, «МАЗ»дан хомтама бўлиб юрма. Энди боравер, мараз.

Уйқу элитаётгандаги каби сархуш оҳангда айтилган бу гаплар Парриқ-минғига оломонтепкидек оғир ботди. Қурмон ромчи қисилган кўзларини туллакона чақнатиб, совутли аскарлардек сафланган олтин тишларини кўз-кўзлаганича ҳақоратомуз тиржайганида эса, вужудини бирдан титроқ қоплади, бор овозда: «Ав-в!» деб бақиргиси, ёнгинасидаги эшикнинг очиқ қанотини ғажиб-ғажиб ташлагиси келди.



## АРОҚХЎРНИНГ ҲИРГОЙИСИ

Гаҳи — лай-лай,
Гаҳи — бай-бай,
Гаҳи — Ў!
Гаҳи — ҳак-ҳак,
Гаҳи — вак-вак,
Гаҳи — мў-ў!
Гаҳи — гаҳ-гаҳ!
Гаҳи — маҳ-маҳ...
Гаҳи — кишт!
Гаҳи — қур-қур-р,
Гаҳи — чур-чур-р!
Гаҳи — вишт!
Гаҳи — мўлт-мўлт,
Гаҳи — қўлт-қўлт,
Гаҳи — лўқ!
Гаҳи — жиқ-жиқ,
Гаҳи — ҳиқ-ҳиқ,
Гаҳи — ўвқ!
Гаҳи — туф-туф!
Гаҳи — гуп-гуп!
Гаҳи — аҳ!
Гаҳи — и... и...
Гаҳи — ди... ди...
Гаҳи — нах-х...
Гаҳи — ғинг-ғинг,
Гаҳи — жинг-жинг,
Гаҳи — ғилқ!
Гаҳи — чўм-чўм,
Гаҳи — бўм-бўм,
Гаҳи — шилқ!..



## ИГНАБАРГ ШЕЪРЛАР

*

Ит эгасин қопмас, пул қопар.

*

Ўз шоирин танимади шеър.

*

— Она... о-на... жуда таниш ном...

*

Милтиқ нега отди ўзини?

*

Рақс тушар тилингда шайтон.

*

Қиз изинга тушди, изқувар!

*

Бир қоп савоб олдим бозордан.

*

Энг қизиқчи — тобут ўғриси.

БОҚЧАДАГИ БОЛАЧОҚЛАРГА

## ТЎПАЛОНЧИ ТЎПЧА

Қочоқ тўпим тегди бориб,
Айвондаги челакчага.
Челакчадан сакради сўнг,
Қозиқдаги элакчага.
Тўпим кулар дикир-дикир,
Мен куламан қиқир-қиқир,
Челак кулар шақир-шуқур,
Элак кулар тапир-тупур.
Йиқилди бехос токчадан
Ёғоч чўмич доғда қолиб.
Шўрвасини тўколмади
Қозонга бир калла солиб.
Тўпим кулар дикир-дикир,
Мен куламан қиқир-қиқир,
Челак кулар шақир-шуқур,
Элак кулар тапир -тупур,
Чўмич кулар тарақ-туруқ,
Қозон кулар шарақ-шуруқ.
Жомчани ўтди ағдариб,
Ойнани ҳам қилди пачоқ...
Ҳаммани кулдирди тўпим,
Кулгига тўлди ҳаммаёқ.
Тўпим кулар дикир-дикир,
Мен куламан қиқир-қиқир,
Челак кулар шақир-шуқур,
Элак кулар тапир-тупур,
Чўмич кулар тарақ-туруқ,
Қозон кулар шарақ-шуруқ,
Жомча кулар даранг-даранг,
Ойна кулар жаранг-жаранг,
Дикир-дикир,
Қиқир-қиқир,
Шақир-шуқур,
Тапир-тупур,
Тарақ-туруқ,
Шарақ-шуруқ,
Даранг-даранг,
Жаранг-жаранг...





## ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Абдубанноб ака Охунжоний дўстга ҳамдард, муҳтожга кўмакдош, барчага бирдек меҳрибон инсон; қўл остидагиларга ғамхўр ва самимий, ҳукуматнинг эрталаб чиқарган қарорини эл-юрт манфаати йўлида кечқурунга қолдирмай амалга оширишга ошиқадиган ўта куюнчак раҳбар эди. Орамиздан бевақт кетди, лекин эзгу ишлари, ажабтовур гаплари яшаб қолаверди.

Бир куни у қишлоқдан Тошкентга келганида қайсидир хонадондан ишхонамга қўнғироқ қилди. Қари чолга ўхшаб қалтироқ товушда гапиришга тушди:

— Шоир болам, олдингизга атайлаб Анжандан келдим. Бир баттол одамнинг устидан арзим бор. Қандай қилиб кўришсак бўлади, жон болам?

Мен товуш эгаси кимлигини тезда фаҳмлаб, «отагинам, илгарилари Икромжон деган йигитни доим ёнингизда олиб юрардингиз, бу сафар ҳам бирга келган бўлса, айтинг, мени осонгина топиб беради», дедим.

— Э содда болам-а, худди ўша Икром қурғурнинг устидан арз қипкелдим-да. Кейинги вақтда менга сира кун бермаяпти. Қаерда ош қилмайлик, олдимдаги гўштларни товуқдек териб еб қўйяпти-я!

Абдубаннoб ака чолчасига шундай деди-ю, кейин ўз овозида «қийқий»лаб кула бошлади.

* * *

Бундан ўн йилча олдин Абдубаннoб ака қидириб борса, Одил ака ташқисидаги сўрида қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирган эмиш. Таъбихиралик сабабини суриштирибди.

— Ҳалиги довруғдор жангари даканим бирданига ўлиб ўтирибди, ака, — дея мотамсаро жавоб қилибди Одил ака.

Абдубаннoб ака индамасдан чиқиб кетиб, анча маҳал ўтгач, қўл ковуштириб кириб келибди. Одил акани кўриб, «келаверинглар, шу ерда экан», деб кўча тарафга овоз қилибди.

— Кимлар? — ҳайрон бўлиб сўрабди Одил ака.

— Кўп бўлмасаям, йигирматача одам топиб келдим.

— Қанақа одамлар?

Абдубаннoб ака ўша қўл ковуштирган қуйи хотиржам жавоб қайтарибди:

— Биттаси гўрков, биттаси ювғич, қолгани жанозачилар...

* * *

Абдубаннoб ака ниҳоятда покиза киши эди. Уй-ҳовли доимо артилган чиннидек тоза туришини қаттиқ назорат қилар, пашшаю суваракларни хонадонига яқин йўлатмас эди. Муҳим бир ишни гаплашиб турган бўлсангиз ҳам, нарироқдан биронта пашша учиб ўтса, кўзи ўз-ўзидан ўша тарафга кетиб қолар, уни изма-из қувишга тушарди. То шу пашша қўлга олинмагунча суҳбат бўлинган жойида бўлинганича тураверарди.

Бир куни Абдубаннoб акага «зарур бир гап бор эди, иложи бўлса, бугун суҳбатлашиб олсак», дедим.

— Жуда зарур гапми? — деб сўради қаёққадир шошилиб турган Абдубаннoб ака.

— Шунчалик зарурки, — дедим мен, — пашша ҳатто кафтингизга келиб қўнсаям қилт этмай ўтириб эшитишингиз керак бўлади.

Бу гапдан кейин Абдубаннoб ака бирдан ҳушёр тортиб: «У! Унда, ҳаддан ташқари жиддий масала экан. Бўпти, бугун учрашамиз», деди.



Шоир элнинг қулоғи, деб бежиз айтишмайди...

С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Қабулхона телефони— 33-52-91,
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (назм ва наср бўлими мудири), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ, Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир —Адиба ОРТИҚОВА

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0245. Ҳажми — 4 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6